

# TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 40 (14,143) 5 ОКТАБРЬ, ПАЙШАНБА 2023 ЙИЛ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



[vtto.uz](http://vtto.uz)



[vtto\\_uz@mail.ru](mailto:vtto_uz@mail.ru)



[@Toshkent\\_oqshomi](https://www.instagram.com/Toshkent_oqshomi)



[Toshkent oqshomi](https://www.facebook.com/Toshkent_oqshomi)



[Toshkent Oqshomi\\_24](https://www.telegram.com/Toshkent_Oqshomi_24)



65  
ЛЕТНИЙ  
ЮБИЛЕЙ

XV



АНОНС



28 СЕНТЯБРЬ  
ВОҚЕАСИ



ОСОН ПУЛ ИШЛАНГ!



БИЛИМ МУҲИММИ  
ЁКИ ДАВОМАТ?



Жорий йилнинг 28 сентябрь куни тонг барча учун ҳам хайрли бошланмади. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Хонобод кўчаси 3-уй манзилида жойлашган "Inter Logistics" МЧЖга қарашли 18,4 гектар ер майдонда жойлашган омборхонада тахминан 10 000 кв. метр майдонда ёнғин келиб чиққан.

Натижада кучли портлаш юзага келди. Портлаш зарба тўлқини натижасида омборхона атрофида жойлашган кўплаб кўп қаватли уйлар, биноларга ҳамда транспорт воситаларига шикаст етди. Шунингдек, 160 дан ортиқ фуқаро жароҳатланди. Маълумотларга кўра, портлаш оқибатида 2006 йилда туғилган вояга етмаган фуқаро вафот этган. Ҳозирги пайтда фалокат оқибатларини бартараф этиш бўйича мутасаддилар томонидан чоралар кўрилмоқда. Бош вазир ўринбосари Очилбой Раматов бошчилигидаги ҳукумат комиссиясига уч кун муддат ичида Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги омборхонада содир бўлган портлаш сабабларини ўрганиш, талафотларни бартараф этиш ҳамда фуқароларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш вазифаси топширилди. Давлат ташкилотларидан ташқари кўнгилчилар ҳам ўз истақлари билан келиб, жабрланган аҳолига беминнат ёрдам кўрсатишмоқда.



# 28 СЕНТЯБРЬ ВОШКЕНТ



**Бахтиёр РАҲМОНҚУЛОВ,**  
Яшнобод тумани ҳоқими:

– 28 сентябрь куни эрталаб ҳамма туман вакиллари Сергели туманига ёрдамга етиб келдик. Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб аҳолига содир бўлган фавқулодда вазиятнинг оқибатларини тезкорлик билан бартараф этишда кўмаклашмоқдамиз. Бизнинг вазифамиз аҳоли яшаш даврида юзага келган муаммоларни бартараф этишдан иборатдир. Яшнобод туман ҳокимлигига Сергели туманидаги 19 ва 33-хонадонлар бириктириб берилди. Дастлаб 19-кўп қаватли уйни кўздан кечирганимизда, 72 та хонадондан 52 та хонадонга жиддий зарар етганлиги аниқланди. Хусусан, ойна-ромлари, ички эшиклар синиб кетганлиги ҳамда газ ўлچагичлар яроқсиз ҳолатга келганлиги каби бир қатор жиддий камчиликлар аниқланди. Бор кучимизни ва воситаларимизни жалб қилиб, шу куннинг ўзида таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини бошлаб юбордик. 2 сутка давомида кечаю кундуз ишлар ташкил қилинган. Халқимиз хизматини қилишда бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

**Салоҳиддин СУЛТОНОВ,**  
кўнгилли:

– Асли қўқонликман. Кунлик ишлар билан шуғулланамиз. Сергелида бўлган воқеани эшитиб, ўртоқларимиз билан ёрдамга келдик. Ҳаммамиз битта халқимиз. Яхши-ёмон кунда бирга елкама-елка туриш ота-боболаримиздан қолган улуғ фазилатлардан. Ўзбек халқи бутун дунёга бир-бирига бўлган меҳри, хурмати билан ўрнатилган бўла олади. Бундай кулфатлар бошқа қайтарилмасин. Юртимиз доим тинч бўлсин.

Шавкат Мирзиёев топшириғи асосида бош вазир Абдулла Арипов 28 сентябрь куни Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги омборхонада содир бўлган портлаш сабабларини ўрганиш, кўрилган талафотларни бартараф этиш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳукумат комиссиясини тузиш тўғрисида фармойиш имзолади. Унинг таркибига фавқулодда вазиятлар вазири Абдулла Қўлдошев, Тошкент шаҳар ҳоқими вазифасини бажарувчиси Шавкат Умурзоқов, ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Шавкат Раҳмонов, соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов, бандлик ва камбағалликни қисқартириш вазири Беҳзод Мусаев, Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлиги нозорат қилиш инспекцияси бошлиғи Бахтиёр Ғуломов, Сергели ҳоқими ва бошқалар жами 16 киши киритилди. Комиссия зиммасига уч кун муддатда фавқулодда ҳолат сабабларини ўрганиш, кўрилган талафотларни бартараф этиш ва жабрланганларга тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш топширилди. Белгиланган комиссия ҳар бир уй-жойни, аҳоли хонадонлари, кўп қаватли уй-жойларнинг фасад қисмлари, дераза ва ромлари ҳамда таъмирталаб аҳволга келиб қолган бошқа бино ва иншоотларга етказилган зарарларни бартараф этиш бўйича моддий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш вазифаси юклатилди. Комиссия аъзолари ҳодисанинг техник ва бошқа сабабларини, фавқулодда ҳолатни тавсифловчи ашёвий далилларни, ёнғин содир бўлган объектда ишлатилаётган техника қурилмалари саноат ва ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини текширади.

Шунингдек, зарар кўрган ҳар бир уй-жойни хатловдан ўтказиб, хусусий мулкдорлар хонадонларига, кўп қаватли уй-жойларнинг фасад қисмлари ҳамда таъмирталаб аҳволга келиб қолган бошқа бино ва иншоотлар ҳолатини, ўрганиш натижаларига кўра бажариладиган иш турларини аниқлаган ҳолда ҳар бир уй-жой бўйича чора-тадбирларни белгилайди. Омборхонада саноат ва ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилганлиги юзасидан ўтказилган ўрганишлар, текширишлар ва уларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чораларни ўрганиб чиқади. Очилбой Раматов бошчилигидаги комиссия олиб борилаётган текширув ишлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот кiritиб боради.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА



Рақамли технологиялар бугун ҳаётимизнинг ҳар жабҳасига кириб келмоқда. Оғиримизни енгил, узоқни яқин қиладиган гаджетлардан тўғри фойдалана олиш гигиенасини шакллантириш барчамиз учун зарурдир. Деярли ҳар қуни янгиликларда интернет тармоқлари орқали фирибгарлик қурбонлари ҳақида эштамиз.

Хўш, “уддабурон тадбиркорлар”нинг тузоғига тушиб қолмаслик учун қандай йўл тутишимиз керак?

1. Нотаниш шахсдан олинган веб-саҳифага киришга шошилманг: бу фишинг сайтига бошлаши мумкин.
2. Web-ҳаволага ўтишга шошилманг: веб-саҳифа манзилини қўлда киритинг.
3. Кафеларда ёки кўчада очик wi-fi тармоқларидан фойдаланманг.
4. Фишинг ҳаволаси мессенжерда, электрон почта орқали, СМС хабарда келиши мумкин.
5. Номаълум рақамдан қўнғироқ қилган нотаниш шахсларнинг кўрсатмаларига амал қилманг.
6. Шахсий маълумотларингизни бегона шахсларга берманг.
7. Бегона шахсларнинг кўрсатмасига биноан телефонингизда ҳаракатлар бажарманг.
8. Нотаниш шахсларга олдиндан тўлов сифатида пул ўтказманг.

#### Фирибгарлар қандай ишлайди?

Фирибгарлар асосий фаолиятларини савдо майдончалари ва эълон сайтларида олиб боришади. Бу майдонларда эса харидорлардан банк карталари ёки телефон рақамлари кўрсатиш сўралади. Вазиятдан фойдаланган фирибгарлар бўлажак қурбонларига қўнғироқ қилиб, текширув учун юборилган СМС-кодни сўрайдилар. Алданган инсон эса маблағидан айрилади.

Уларнинг яна бир усулларидан бири мамлакатнинг ёки хорижий давлатларнинг етакчи компанияларидан сохта акциялар ва совғалар ўйналадиган лотерея ўйинларини реклама қилишдан иборатдир. Қимматбаҳо совғалар ёки кўп пул маблағлари ўйналгандан сўнг иштирокчига унинг ғолиб бўлганлиги ва ютқуни маълум бир тўловни амалга оширгандан сўнг қўлга киритиши мумкинлиги айтилади. Шундан сўнг алданган “қурбон” ўз банк картаси маълумотларини фирибгарларга ўз қўллари билан топширади.

Шундай ҳолатлардан бири жорий йилнинг 5 сентябрь санасида Ўзбекистон Республикаси ИИБ ТҚД Киберхавфсизлик марказининг расмий телеграм каналида эълон қилинди. Унга кўра, Тошкент шаҳри Учтепа туманида яшовчи 23 ёшли фуқаро Ф.А. ИИОга мурожаат қилиб, банк картасидан 600.000 сўм пуллар

фирибгарлик йўли билан ўзлаштирилганлигини маълум қилган.

Тезкор-қидирув хизмати Киберхавфсизлик бўлинмалари ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида мазкур жиноятни Тошкент вилояти Оҳангарон туманида яшовчи 19 ёшли У.У. содир этганлиги аниқланди.

Унга кўра, У.У. “Olx” савдо платформасида “Арзон китоблар” номли сохта эълон жойлаштириб, бу эълонга ишонган Ф.А.ни алдаб, у харид қилган китобларни етказиб беришини ваъда қилиб, ишончига кириш орқали олдиндан 600.000 пулларни ўзининг банк картасига ўтказилгандан сўнг китобларни манзилга етказмасдан алоқани узиб қўйган.

Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, У.У.нинг содир этилиб, фош этилмай қолган бошқа шу турдаги жиноятларга алоқадорлигини текшириш мақсадида тергов, тезкор-қидирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисмидаги жиноий хатти-ҳаракатлар учун 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Бундан ташқари, сизга банкдан қўнғироқ қилиб, карта яқин орада блокраниши ҳақида маълум қиладилар. Картани қайта чиқариш учун эса уларга карта маълумотлари ва текширув СМС-кодни айтиш керак бўлади. Ва оқибатда сиз пулларингиздан айриласиз.

Ҳозирги кунда кенг тарқалган машҳур шахслар хусусан, Алишер Усмонов номидан онлайн лотерея ва акция ўйинлари кенг тарқалмоқда. Жиноятчилар ўз режаларини мукамал даражада кенг тайёрлашганки, билимли инсонлар ҳам бу қармоққа осонгина илиниб қолишмоқда. Дастлаб, жиноятчилар интернет тармоқларидан бирида рекламаларини жойлаштиришади ва пул тикиб, кўпайтириб олиш учун рўйхатдан ўтишни айтишади. Рўйхатдан ўтганингиздан сўнг сизга менежер қўнғироқ қилади. Сизга махсус сайтнинг ҳаволасини юборишади. Сайт орқали олтин, кумуш ва шунга ўхшаш қимматбаҳо буюмлар савдосига пул тикишингиз айтилади. Акцияларнинг ҳаракатига кўра сиз даромад олишингиз тушунтирилади. Афсуски, бу тушунтиришлар сиз тўловни амалга оширгунингизча давом этади. Ундан кейин эса яна пулларингиздан айриласиз.

Хулоса ўрнида доно халқимизнинг “Текин пишлоқ қопқонда бўлади” деган нақлини келтирмоқчиман. Кўп пул топиш илинжида бор пулингиздан ҳам айрилиб қолманг.

# ОСОН ПУЛ ИШЛАДАНГ!



\* Фишинг

Инглиз тилида “phishing” сўзидан олинган бўлиб, “fishing” – балиқ ови ва “password” – пароль сўзлари бирикмасидан ҳосил бўлган.

Фишинг – интернет фирибгарлигининг бир тури бўлиб, фойдаланувчининг идентификацион маълумотларини (пароль, кредит – карта рақами, банк ҳисоб рақами, телефон рақами ва бошқалар) қўлга киритиш унинг асосий мақсади ҳисобланади.



# XV ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ: ФИКР, МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФЛАР



Шубҳасиз, кўплаб ОАВнинг эътибор марказида 29 сентябрдан 2 октябрга қадар ўтказилган “Ипак йўли дурдонаси” XV Тошкент халқаро кинофестивали бўлди. Тадбирнинг очилиш маросими юқори кайфиятда ўтди, десак асло муболага бўлмайди.

Қизил йўлак ташкил қилиниб, таниқли санъаткорлар, хорижлик юлдузлар ва фестиваль иштирокчилари кинога алоқаси бўлган ва бўлмаган кўплаб ижодкорлар ушбу йўлак бўйлаб ҳаракатланишди. Бундан ташқари, фестиваль давомида Ҳассан Назер, Эмир Кустурица, Фредерик Дифенталь, Сами Насери “Оскар” мукофоти совриндори Кевин Спейси, Фарҳод Маҳмудов каби машҳур киноижодкорлар иштирокида ижодий учрашувлар ташкил қилинди. Шунингдек, Қозоғистон, Туркменистон, Мўғулистон, Исроил, Греция, Япония, Қирғизистон, Франция, Грузия, Туркия, Жанубий Корея, Польша, Эстония, Белгия, Австрия, Англия, Беларус, Малайзия, Чили, Индонезия, Мексика, Покистон, Аргентина, Хитой, Эрон, Малта, Хорватия, Финландия, Руминия, Португалия, Венгрия каби 30 дан ортиқ мамлакатлар 40 дан ортиқ фильмлари билан фестивалда иштирок этишди. Шу билан бирга “Туткунлик”, “Ҳаёт афсунлари”, “Мерос”, “Мен террорчи эмасман”, “Бир кунлик тўй”, “Ўзбек қизи”, “Аёл қалби” “Мактаб – менинг ҳаётим”, “Ким деяй сени”, “Парининг совғаси”, “101 рейс”, “Аёл қисмати”, “Абдулла Орипов”, “Барон-2” каби ўнлаб ўзбек фильмлари ҳам намойиш қилинди. “Ўзбек дубляжи санъати 85 ёшда” номи остида тадбирлар ташкил этилиб, миллий дубляжмиз тарихи, соҳада ўчмас из қолдирган шахслар ҳақида маълумотлар, иқтибослар, дубляжда эришилган ютуқлар ва муҳим воқеалар акс эттирилган “Дубляж санъати тарихи” китобининг тақдими ва айнан ўзбек дубляжга оид муҳим экспонатлар ҳамда фотосуратлар жамланган дубляж санъати музейининг очилиш маросими ўтказилди.

Шунингдек, ёш режиссёрлар учун мўлжалланган “Кино 5 кунда” халқаро танлови ғолиблари аниқланди. Танлов иштирокчилари анъанага кўра, 5 кун ичида Ўзбекистоннинг тарихий манзиллари, жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Фарғона, Тошкент каби шаҳарларда бўлиб, қисқа метражли фильмлар суратга олишди. “Энг яхши миллий қисқа метражли фильм” номинацияси Дилшод Усмоновнинг “Узум” фильмига топширилди. “Кино 5 кунда” танловининг хорижлик иштирокчилари суратга олган фильмлар бўйича махсус номинациясида учинчи ўрин “Ришта” фильми учун Яков Подкустовга (Россия), иккинчи ўрин “Орзулар шаҳри” фильми учун Эдиса Токторовага (Қирғизистон), биринчи ўрин “Юз қадам” фильми учун Ширин Аҳмадовга (Озарбайжон) топширилди. Бундан ташқари, фестиваль дастуридан Европа Иттифоқи давлатлари фильм фестивали, Туркий давлатлар ва МДҲ давлатлари кинофоруми, кинотеатрларда хориж кино кунлари, семинарлар, маҳорат дарслари, киноижодкорлар билан ижодий учрашувлар бўлиб ўтди.

Кинофестиваль очилишидан сўнг Алишер Навоий номидаги Киночилар уйида миллий фильмлар танлови ғолиблари турли номинациялар бўйича тақдирланишди. Жумладан, Ҳошим Арслонов “101 рейс” фильмидаги роли учун “Энг яхши эркак роли” номинацияси билан тақдирланди. Бундан ташқари, “Энг яхши аёл роли” учун Раъно Шодиева “Аёл қисмати” фильмидаги роли учун, “Энг яхши режиссёр” Али Ҳамроев “Самарқандда қовун таровати” фильми учун тақдирланди. Зулфиқор Мусоқовнинг “Ҳайрат”, Ҳасан Алижоновнинг “Ҳаёт афсунлари”, Музаффар Эркиновнинг “Абдулла Орипов” фильмлари ҳакамлар ҳайъатининг махсус мукофотига лойиқ кўрилди. “Энг яхши фильм” номинацияси эса Қамара Камалованинг “Ким деяй сени” фильмига топширилди. Номинацияларни топшириш юқори кайфиятда, маҳоратли бошловчилар иштирокида олиб борилди. Миллий рақслар ва Туркия эстрадаси юлдузи Айла Челикнинг кўшиқлари ҳам юқори кайфиятни таъминлади.

2 октябрь куни Самарқанд шаҳридаги “Боқий шаҳар” мажмуасида “Ипак йўли дурдонаси” XV Тошкент халқаро кинофестивалининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди ва Марказий Осиё фильмлари танлови ғолиблари эълон қилинди. Унга кўра, Тожикистоннинг “Фортуна” фильми фестиваль махсус совринини, қозоғистонлик режиссёр Максим Акбаровнинг “Сахро” кинокартинаси “Энг яхши дебют” номинациясини қўлга киритди. “Энг яхши актёр” Дастан Айбек (“Шувоқ ҳиди”), “Энг яхши актриса” Талаайкан Абазова (“Эсимда”), “Энг яхши режиссёр” эса Дархон Тулегенов (“Ака-укалар”) деб топилди. Ҳакамлар ҳайъатининг махсус мукофоти Адилхан Эржановнинг “Адемोकанинг сабоғи” фильмига насиб этди. Ўзбекистонлик режиссёр Шокир Холиқовнинг “Якшанба” фильми эса “Энг яхши фильм” номинациясини қўлга киритди.

Яқунланган кинофестиваль ҳақида ҳар ким ҳар хил фикрлар билдирмоқда. Бевосита тадбирда қатнашган инсон сифатида тадбирнинг камчиликлари ва ютуқларига тўхталиб ўтсак. Кинофестиваль ташкил қилинишидан мақсад – ўзбек киносининг жаҳон миқёсидаги мавқеини ошириш ва ривожига ҳисса қўшишдан иборат бўлса, шов-шув ва ҳашаматлар билан ташкил қилинган қизил йўлак ўзбек киносини ривожига қай даражада ҳисса қўша олади? Айниқса, қизил йўлакдан ўтаётган киноижодкорларга қараганда блогерларга эътибор кўпроқ бўлса ва савиясиз сериал фильмларда роль ижро этган ижодкорлар ҳам бу йўлакдан мардонавор ҳаракатланса.

Бундан ташқари, кинога умуман алоқаси бўлмаган ва катта маблағлар эвазига тақлиф қилинган хорижлик эстрада юлдузлари, ташрифининг кино ривожига қандай алоқаси бор? Айниқса улар нокамтарона либосда ёши улғу халқ артистларини олдида кўшиқ куйлаётган бўлса. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ушбу кўшиқлар юқори кайфиятни таъминлаш учун керак албатта, бироқ кинозалда ўтириб шуни англадикки,

миллий рақсларимизнинг жўшқин ҳарорати хорижлик киноижодкорларни ҳушнуд қила олгани уларнинг юз қиёфаси, хатти-ҳаракатларидан маълум бўлди. Қолаверса, улар ўзларининг ижтимоий тармоқларига жойлаган пост ва ҳикоялари орқали ҳам буни тасдиқлашди.

Фестиваль давомида премьерасига кўп вақт бўлган фильмларнинг тақдирланиши ва намойиш



қилиниши ўзбек киноижодкорлари ва кинога алоқаси бор кишиларнинг қизиқишини бироз пасайтиргандек бўлди. Янги, қайноқ кинокартиналарнинг айнан фестивалда премьераси бўлиб ўтиши фильмга, қолаверса, фестивалга бўлган эътиборни ортишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, намойиш қилинган ўзбек ва хориж фильмлари овоз бериш йўли орқали ғолиблик учун курашишса ва кучли ҳакамлар ҳайъати ташкил қилинса, намойиш қилинаётган фильмларга бўлган қизиқиш ортар эди бизнингча.

Қизил йўлак ташкил қилинганида ва очилиш маросими бўлиб ўтаётганида зал иштирокчилар билан тўлиб тошиши, фильмлар намойишига келганда эса уларнинг сони сезиларли даражада камайиши ҳам сўзимиз исботи бўла олади. Фестиваль давомида намойиш қилинган кулолчилик буюмлари, миллийлик муҳити уфуриб турган сўрилар устида ёзилган дастурхон хорижлик меҳмонларда қизиқиш уйғотгандек туйилди.

Албатта харажатсиз ҳаракат ногга тенг. Икки-уч йил давомида бутун дунё киноижодкорларнинг диққатини ўзимизга қарата олмаймиз. Бунинг учун хорижий кинофестивалларда муносиб иштирокчи таъминлашимиз, таъминлаш учун эса фильмларимиз орқали ўз имзоимизга эга бўлишимиз зарур. Яхши фильм эса албатта маблағга бориб тақалади. Бу менинг журналист сифатида шахсий фикрим. Ушбу кино байрами ўзбек киносини имижига ўзининг ижобий таъсирини ўтказа олади, деган умиддамиз. Фестиваль ҳақидаги, қолаверса, ўзбек киносини бизни қизиқтирган айрим саволларга киноижодкорларнинг ўзидан жавоб олдик.



**Акбар БЕКТУРДИЕВ,**  
кинорежиссёр:

– “Ўзбек қизи” фильми томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинган муваффақиятли фильм дейиш мумкин. Фильмнинг номинациялар орасида йўқлигини қандай изоҳлайсиз?

– Фестивалда миллий кинофильмлар ҳамда Марказий Осиё кинофильмлари блогасида фильмлар намойиш қилинди. “Ўзбек қизи” фильми Марказий Осиё кинофильмлари блогасида намойиш қилиниши режалаштирилганидан сўнг миллий кинофильмлар блогидан Марказий Осиё кинофильмлари танловига ўтказилган. Очилиш кундаги миллий фильмлар тақдиротидан эса норозиман. Нафақат мен, кўплаб ҳамкасбларим ҳакамлар ҳайъати аъзоларидан, берилган айрим номинациялардан норози. Ўзини ҳурмат қилган ижодкорлар очилиш маросимини мамнун кайфиятда тарк этмади. Тан олиш керак энг яхши режиссёр, энг яхши фильм номинациясига арзигуликлари кўп эди. Ҳатто ноҳақликларни кўриб фильмим Марказий Осиё кинофильмлари блогидан ҳам олиб ташланишини сўрадим ва Самарқандда бўлиб ўтиши кутилган ёпилиш маросимига ҳам бормадим. Ваҳоланки, мени фильмим миллий кинофильмлар танловида эмас Марказий Осиё фильмлари танловида қатнашаётган эди. Агар кейинги фестивалларда ҳам шу ҳолатлар, ноҳақликлар давом этадиган бўлса кейинги фестивалларда ҳам қатнашмоқчи эмасман.

– Сизнингча ҳакамлар ҳайъати аъзолигига кимларни сайлаш керак?

– Ўз маънафини ўйламайдиган, номзод фильмларнинг бирортасига ҳам алоқаси бўлмаган киноижодкорларни сайлаш керак! Ҳамма ҳакамлар ҳам бир хил эмас албатта. Аъзолар орасида бўлган айрим инсонларнинг ҳақиқатдан йироқ бўлган ҳакамликка, турли “ўйинларга” чиқолмадим деганларни ҳам эшитдик.

– Ушбу кинофестиваль ўзбек киноси ривожига қай даражада ҳисса қўша олади?

– Агар мана шундай ўйинлар ва ноҳақликлар билан ўтадиган бўлса, бундай фестиваллар ўзбек киноси ривожига ҳеч қандай ҳисса қўша олмайди. Агар Президентимиз айтганидек, киноларимиз жаҳон миқёсига чиқишини хоҳласак, фестивалга сарфланаётган маблағлар ўрнига чет эллик актёрлар, киноижодкорлар билан ҳамкорликда фильмлар яратишимиз керак. Хорижлик драматурглар келиб бирга киносценарийлар ёзишсин. Улардан ўрганадиган жиҳатларни ўрганайлик. Яна ҳамма нарса бюджетга бориб тақалади. Маблағ етарли бўлса фильм ҳам муваффақиятли чиқади. Хорижлик истеъдодли актёрни жалб қилишим учун маблағ ажратишмайди ва оддийроқ актёрни ўйнатишга мажбур бўламан. Бироқ, бундан бир неча баробар катта маблағлар эвазига фестиваль учун актёрларни таклиф қилишяпти. 20 йил олдин премьераси қилинган “Такси” фильми актёрлари қандай қилиб бизнинг кинофестиваль юзи бўлиши мумкин. Агар маблағ етарли бўлса биз бемалол четга чиқа оламиз. Мен фестиваль керак эмас демайман, шунчаки бундай форматдаги фестиваль маблағ ажратишга арзимайди. Суратга олиш ишлари бошланган бир неча фильмларнинг иш жараёни, маблағларнинг фестивалга йўналтирилиши сабабли тўхтаб қолмоқда. Яна бир неча фильмлар маблағ йўқлиги сабабли суратга олиш ишлари бошланишини кутиб турибди. Биргина фильм суратга олиш ишларида режиссёр, операторлар, рассом, грим устаси, костюмерлар, техник жамоа каби олтмиш-етмишга яқин ходимлар банд бўлади. Санкт-Петербургда бўлиб ўтган кинофестивалда ҳам “Ўзбек қизи” фильми билан иштирок этдик ва “Энг яхши аёл актриса” номинациясини қўлга киритдик. Айтмоқчи бўлганим шуки, фестивалнинг ортиқча дабдабозликсиз, камтарона ўтгани мени қувонтирди.

– Намойиш қилинган хорижий фильмларнинг аксарияти олдин премьераси қилинган. Сизнинг бунга, умуман намойиш қилинган фильмларга бўлган муносабатингиз қандай?

– Кинофестивалнинг очилиш маросимида намойиш қилинган Франциянинг “Кулаш анатомияси” номли фильми аслида бир жинслиликни тарғиб қилувчи фильм ҳисобланади ва шу форматдаги фестивалларда иштирок этган. Субтитрларда айрим жойлари ўзгартирилган. Юқорида айтганимдек ҳакамлар ҳайъати, фильмларни танлаётган масъуллар қаерга қарашяпти, буниси менга қоронгу.

– Ташкил қилинган ижодий учрашувлар, мастер-классларга қандай муносабатдасиз?

– Менимча мастер-класслар ташкил қилингани яхши. Бунга қаршилигим йўқ, фақат арзирли одамлар билан бўлса. Агар мақсад ўзбек киносини ривожлантириш бўлса катта маблағлар эвазига таниқли инсонларни эмас, кичик маблағ эвазига истеъдодли киноижодкорларни фестивалдан ташқари ҳам таклиф қилсак бўлади. Эронлик кинорежиссёр Мажид Мажидийнинг ташрифи ҳақидаги хабарлар қўлоғимга чалингандек бўлди, аммо, у ташриф буюрмади. Шу каби истеъдодли режиссёрларнинг маҳорат дарслари вақти келса ўзимга ҳам керак. Юсуф Розиков, Ёлқин Тўйчиев, Аюб Шаҳобиддинов каби режиссёрларимизни ҳам мен ҳеч қайси хорижлик ижодкордан кам жойи йўқ, деб ўйлайман. Юсуф Розиков маҳорат дарси ўтаётганини эшитсам, бориб иштирок этишга ҳаракат қиламан.

**Шокир ХОЛИҚОВ,**  
кинорежиссёр, сценарист:

– Бу йилги кинофестивалнинг ўтган йилги фестиваллардан қандай фарқ қилди? Ўси сезиляптими?

– Бу йилги фестиваль Марказий Осиё мамлакатларидан қабул қилинган тўлиқ метражли фильмлар танлови ўтказилганлиги билан аввалгиларидан фарқ қилди. Боиси ўтган фестивалларда фақатгина қисқа метражли фильмлар танлови ўтказилар эди. Дунёнинг катта фестивалларида ҳам асосан тўлиқ метражли бадиий фильмлар танлови ўтказилади. Марказий Осиё мамлакатларининг ҳар бири ўз кинофестивалига эга. Ҳозирги кунда кинофестиваль ўтказмаслик қайсидир маънода уят, деса ҳам бўлади. Фестиваль ўзбек киноси ривожига қай даражада ҳисса қўша олаётгани ҳақида бирор нима дея олмайман. Бироқ, фестиваль томошабинда кинога бўлган қизиқиш, ижодкорда эса мотивация уйғотиши керак. Чет элдан келган киноижодкорлар юртимиздаги айрим локацияларни кўриб, яшаш тарзини кўриб, шу ерда фильм суратга олиш нияти пайдо бўлиши мумкин. Албатта ҳар бир фестивалнинг ижобий жиҳатлари бўлади.

– Яқшанба фильми сюжети ва қўлга киритган мукофотингиз ҳақида нималар дея оласиз?

– Фильм сюжети қишлоқда яшайдиган чол ва кампирнинг икки нафар ўғли бўлиб, бири чет элда ишлайди, бири чол ва кампирга яқинроқ бошқа ерга кўчиб чиққан. Кичкина ўғил уйланиши кераклиги учун уйдаги буюмларни янгисига ўзгартироқчи бўлади, каттаси эса уйни бузиб бошқатдан қурмоқчи бўлади. Чол ва кампир эса бунга қарши, натижада можаро келиб чиқади. Яъни кексалар эски нарсаларни, ёшлар янги нарсаларни хоҳлайди. Фильм авлодлар ўртасидаги кураш ҳақида ҳикоя қилади, десак ҳам бўлади. Мукофот олганимдан хурсандман албатта. Бу мукофот ўз навбатида янги масъулият юклайди ва бундан-да яхшироқ фильмлар яратишга ундайди.

– Бунгача фильм яна қайси фестивалларда иштирок этган?

– “Яқшанба” фильми учун Тошкент кинофестивали иккинчи фестиваль бўлди. Фильмнинг илк халқаро премьераси Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрида ташкил этилган “Шанхай халқаро фестивали”да бўлиб ўтган. Айнан мана шу фестивалнинг олий мукофотларидан бири “Олтин кубок”ни



**Ҳилол НАСИМОВ,**  
кинорежиссёр, сценарист:

– Бўлиб ўтган кинофестиваль ҳақида қандай фикрдасиз?

– Аввало 65 йиллик тарихга эга кинофестивалнинг тиклангани одамни қувонтиради. Бу йилги кинофестиваль халқимизнинг байрамга айланди ва ўтган йилги кинофестивалларга қараганда қамрови анчагина катта бўлди. “Кино 5 кунда” лойиҳаси, хорижий ва қисқа метражли фильмлар фестивали яна бир поғона ўсганимиздан дарак беради.

– Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг қароридан кўп киноижодкорлар норози. Сизнинг ҳам ҳакамлар ҳайъати аъзоларига эътирозингиз борми?

– Албатта, ҳамкасбларимнинг эътирози ҳақли ва мен ҳам уларнинг эътирозига қўшиламан. Кимларгадир ён босиб, кимларнингдир дўстига айланиб қолган инсонларни ҳакам қилиш керак эмас. “Мерос” фильми Россия, Сингапур, Австралия каби дунёнинг 14 та мамлакатда “Йилнинг энг яхши фильми”, “Энг яхши режиссёрлик иши” каби бир неча номинацияларни қўлга киритди. Австралида ўтказилган “Muslim Film Festival” халқаро кинофестивалида “Энг яхши драматик фильм” номинациясини қўлга киритди. Тошкент кинофестивалида эса... Ўзи ҳакам бўлиб ўзи ўрин олганларга нима дейишни билмайман, тўғриси.

– Фестивалга ажратилаётган маблағ ва хориж эстрада юлдузларининг таклиф қилиниши сизнингча тўғрими?

– Кимлардир ажратилаётган пулларнинг ҳаммаси осмонга кетяпти, дейиши мумкин. Аммо, танганинг иккинчи томони ҳам бор. Бу аввало халқаро дўстона муносабатларни шакллантиради ва уни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Бундай фестивалларни тинчлик тарғиботчиси деса ҳам бўлади. Балки йиллар ўтиб сарфланаётган пуллар ўзини оқлар, ҳар ҳолда бунда бир икки йил олдин катта гонорарларни талаб қилаётганларнинг айримлари бугун ўз хоҳиши билан фестивалда қатнашмоқчи. Яна бир таклифни илгари сурмоқчиман, кинофестиваль ҳар йили эмас, икки йилда бир бор ўтказилса, изланишга, янги ғояларни ўйлашга ва уларни кинолентага муҳрлашга фурсат кўпроқ бўлар эди.

қўлга киритдик. Фестиваль А тоифага кирувчи дунёнинг энг яхши ўнталигидан жой олган фестивалларидан бири ҳисобланади. Бунгача А тоифадаги фестивалларда фақатгина Ёлқин Тўйчиев мукофотни қўлга киритган. Иккинчиси айнан “Яқшанба” фильми бўлди.

– Миллий фильмлар танлови ғолибларига берилган айрим номинациялардан кўпчилик ҳамкасбларингиз норози. Сизнинг бу борадаги фикрларингиз қандай?

– Агар кимгадир ёқмаган бўлса ўша инсонларнинг ўзи фестиваль ташкил қилиб, ўзи истаган фильмларига мукофот берсин. Ҳакамлар ҳайъати ўзининг диди, савиясидан келиб чиққан ҳолда фильмларни танлайди. Мен кимнидир айблашдан йироқман.

– Фестивалга яна қандай жиҳатлар керак? Қайси жиҳатлари сизга ортиқчадек туйилди?

– Тўғриси айтсам, фестивалда тўлиқ иштирок эта олмадим. Чунки ижодий сафарлар билан хорижда эдим. Фақатгина ёпилиш маросимидагина қатнашдим. Самарқандга ташриф буюрган жуда кўп хорижлик киноижодкорлар Самарқандни ёқтириб қолганини таъкидлашди ва ёпилиш маросимининг Самарқандда ўтказилиши тўғри қарор бўлди, менимча. Ортиқча жиҳатлари ҳақида фестивалда тўлиқ иштирок этмаганим боис бирор нима дея олмайман. Ўтган йили бироз камчиликлар кўзга ташлангандек бўлган эди. Фақатгина қисқа метражли фильмлар танлови ўтказилар эди. Бу йил эса тўлиқ метражли фильмлар танлови ҳам ўтказилди. Энди танловга фақатгина Марказий Осиё мамлакатлари фильмларини эмас, Европа, Бутунжаҳон фильмларини ҳам киритиш керак. Юқорида айтганимдек фестиваллар кинога муҳаббатни уйғотиши ва томошабинларни кинотеатрларга қайтишига катта ёрдам бериши мумкин.

**Миржалол МАҲКАМОВ тайёрлади**





# БИЛИМ МУҲИМИ ЁКИ ДАВОМАТ?

**«Бизнинг ишимиз – ўқиш ва ўқиш, имкони борича кўпроқ билимга эга бўлиш учун интилишдир, чунки жиддий ижтимоий йўналишлар – билим бор ерда, инсониятнинг истиқбол бахти ҳам фақат билимдадир».**  
**А. ЧЕХОВ**

Сарлавҳадан кўришиб турибдики, бу гал биз таълимда билим ва давоматнинг қанчалик аҳамиятлилиги ҳақида сўз юритмоқчимиз. Аввало, Ўзбекистонда таълим тизими қандай? Кредит-модуль тизими ўзини оқлаётими? Қачон тўлақонли бу тизимга ўтамиз? Бу каби саволларга жавоб топиб, тизимни қанчалик иш бераётганлигини таҳлил қиламиз.

Маълумки, таълим тизими – бу ягона ва узлуксиз тизим бўлиб, таълим турларига кўра қуйидагиларга бўлинади: мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим, олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Мазкур турларнинг барчасида моҳиятан, инсонни жамиятда саводхонлигини ошириш, ақлан ва маънан ривожланишига босқичма-босқич эришиш кўзланган. Бу хусусида Конституциямизда ҳам белгилаб қўйилган. Яъни: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир». (41-модда).

Республикамизда нечта мактаб, институт ва университетлар бор ва ушбу таълим муассасаларида тахминан қанча ўқувчилар таҳсил олмақда?

Маълумотларга кўра, бугунги кунда республикамизда жами 211 та олийгоҳ фаолият юритаётган бўлиб, уларда тахминан 1 млн. 200 минг нафар талаба таҳсил олиши кўзда тутилган. Шунингдек, иккинчи ва ундан юқори курсда 950 минг нафар, биринчи курсда 250 минг нафар талаба таҳсил олади.

Талабаларга 39 533 нафар профессор-ўқитувчи дарс беради. Олийгоҳларнинг ўртача илмий салоҳияти 39,8 фоизни ташкил этади. Ҳозирги кунгача 116 та давлат олий таълим муассасаларига 193 761 нафар ёш 1-босқичга қабул қилинди ва ёшларнинг олий таълим билан қамрови 42 фоизга етказилди. Магистратурада 105 та давлат олийгоҳига ажратилган 17 128 та қабул параметрлари доирасида 7 232 нафар ёш қабул қилинди.

Биламиз, хорижий давлатларда таълим олиш тизими биздаги тизимдан фарқ қилади. Бунинг сабаби, уларда қаттиқ назоратга олинган тартиб бор, яъни барчаси кредит-модуль тизимига тўлақонли ихтисослашган. Бу тизим Жаҳон стандартларидан ўтган бўлиб, барчанинг билим олиб, ақлан ўсишига катта ёрдам кўрсатиб келмоқда. Шуни айтиш жоизки, бу асосан олий таълим муассасаларига тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»га кўра, мамлакатдаги ОТМларнинг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган.

## Хўш, бу ўзи қандай тизим?

Кредит-модуль тизими бу – таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамланмаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади. Уни бир бутунлиқда олиб бориш серқирра ҳамда мураккаб тизимли жараён ҳисобланади. Кредит-модуль тамойилида иккита асосий масалага аҳамият берилади: талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш, талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

## Пайдо бўлиш тарихи.

Кредит илк мартаба XVII ва XIX асрларда АҚШ университетларида жорий этилган бўлиб, ўқув жараёнларини либерализация қилиш, талабанинг ҳафталик академик юкмасини белгилаб бериш мақсадида яратилган.

1869 йилда Гарвард университети президенти, Америка таълимнинг таниқли арбоби Чарльз Уильям Элиот «кредит соати» тушунчасини истеъмолга киритади. Шундай қилиб, 1870-1880 йилларда кредит соатлари билан ўлчанадиган тизим жорий қилинади. Кредит тизими билан ўқиш ва ўқув дастурларини ўзлаштириш талабаларга ўқув жараёнини мустақил равишда режалаштириш, унинг сифатини назорат қилиш, таълим технологияларини такомиллаштириш учун имконият яратиб берди.

Кредит тўплаш ўлчовининг киритилиши талабага катта эркинлик бериш билан бир қаторда, келажақда танлаган соҳасининг рақобатбардош мутахассиси бўлиб етишиши учун академик жараённи мустақил режалаштириш имконини ҳам тақдим этди. Айна чоғда баҳолаш тизими ва таълим технологияларининг такомиллашишига ҳам олиб келди.

Болонья декларациясида кўзда тутилганидек, кредит-модуль тизими айнан мустақил таълимга урғу қаратгани ҳолда, асосан, иккита функцияни бажаришга хизмат қилади: биринчиси, талабалар ва ўқитувчиларнинг мобиллигини, яъни бир олий таълим муассасасидан бошқа ОТМга тўсиқларсиз, эркин равишда ўтишини (ўқишни ёки ишни қўчиришни) таъминлайди; иккинчиси, талабанинг танлаган таълим йўналиши ёки мутахассислиги бўйича барча ўқув ва илмий фаолияти учун академик юклама – кредит аниқ ҳисоблаб борилади. Кредит йиғиндиси талабанинг танлаган дастури бўйича нимани қанча ўзлаштирганлигини намоён этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги «Олий таълим муассасаларида таълим жараёнларини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида «Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланган.

## Хўш, бу борада Ўзбекистонда аҳвол қандай эди?

Маълумки, бизда ахборот манбаи ва турли хилдаги халқаро маълумотлар базаларига кириш, улардан фойдаланиш маълум даражада чекланиб қолганди. Оқибатда олий таълимда профессор-ўқитувчиларнинг асосий диққати ахборотни қидириб топиш, уни ўзлаштириш ҳамда дастлабки қайта ишлагандан сўнг талабаларга тарқатишга қаратилди. Яъни ўқитувчилар шунчаки ахборотни қабул қилувчи ва

узатувчи субъект эди, холос. Бунда талаба ўқув жараёнининг объекти сифатида ахборотни қабул қилувчи вазифасини бажарар, асосий вақтини аудиторияда маъруза машғулотларини тинглашга сарфлар эди. Бугунги кунга келиб эса ахборотлар оламидан баҳраманд бўлишнинг тезлашгани, халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятларининг кенгайгани, глобаллашув жараёнлари жадаллашгани боис талабаларнинг мустақил таълимни ривожлантириш масаласи кун тартибига кўтарилди. Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар ўқув режалари эса меҳнат бозори талаби билан боғланмаган фанлар билан тўлдирлар, асосан, профессор-ўқитувчини иш билан таъминлаш, унга аудитория соатини чиқариб бериш принципи нуқтаи назаридан, шунингдек, кафедра мудирларининг ўзаро келишган ҳолда фанларни тақсимлаш асосида шакллантириллар эди. Талабага фанларни ҳамда профессор-ўқитувчиларни танлаш у ёқда турсин, зерикарли бўлган машғулотлардан воз кечиб, кутубхонада ўқиб-ўрганишига ҳам имкон берилмас эди. Талабанинг дарс машғулотларини қолдиришига жиддий талафот сифатида қаралиб, бир семестрда 30 соатдан ошса оғохлантириш, 74 соатдан ошса, талабалик сафидан чиқаришга бориларди. Талабага ушбу фан ва ўқитувчи ёқадими-ёқмайди, берилаётган билимлар алимсоқдан қолиб кетгани-кетмагани, аудиторияда ўтириши шарт эди! Хуллас, анъанавий тизимда талаба келажақда қандай билимларни эгаллаши, қандай профессор-ўқитувчилар дарс бериши, йўналиш профили, фанларнинг қисқача мазмуни бўйича ҳеч қандай материаллар тақдим этилмасди.

## Барча олий таълим муассасалари тўлақонли бу тизимга ўтди?

Йўқ албатта, ҳозир ҳам айрим университетларда бу тартиб ўзгармаганига гувоҳ бўлиб келмоқдамиз. Бу эса талабаларнинг норозилигига олиб келмоқда. Нима учун билимга эмас, давоматга эътибор кучли? Тўғри, давоматнинг юқори бўлиши кўп талабанинг билим олишига яхшигина асос бўла олади, аммо дарслар қизиқарли, кадрлар анчагина малакали бўлса ва тизим яхши ишласа ўз-ўзидан таълим ҳам, давомат ҳам юқори бўлади. Шундагина, ҳар бир талаба дарснинг тугагини дақиқа санаб эмас, дарсга қатнашиб, қизиқиб ўтказади. Бу каби ҳолатларнинг ҳам юз бериши юқорида биз тушунтириб ўтган тизимга ўтиш жараёнига яхши эътибор қаратилмаётганидан далолат беради.

Ваҳоланки, ривожланган хорижий давлатларнинг барча ОТМда таълим йўналиши ва мутахассисликлар тўғрисидаги ҳамма маълумотлар, хусусан, ўқув режасида акс этган фанларнинг қисқача силлабуси (фаннинг идентификацияси, профессор-ўқитувчи ҳақида маълумот, дарс тавсифи, фаннинг мақсади, ўрганиш натижалари, ўқитиш методикаси, фаннинг режалари, адабиётлар, баҳолаш методикаси), фанлар кесимида дарс машғулотларини олиб борадиган профессор-ўқитувчилар ҳамда уларнинг эришган ютуқлари, меҳнат бозорига мутахассисга қўйилган қисқача талаблар, яъни қандай назарий, амалий билим, кўникма ва касбий малакага эга бўлиши билан боғлиқ маълумотлар университетларнинг расмий веб-сайтида очиқ-ойдин эълон қилинган бўлади. Айна пайтда, минг афсуски, абитуриентлар университетларимиз сайтларида ушбу маълумотларни топишга қийналишади. Бу бўйича ҳам маданиятни шакллантириш вақти эса аллақачон келган.

Биз Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидеда кредит-модуль тизими қандай ишлаётгани борасида маълумот олиш учун университетнинг **Ахборот хизмати ва оммавий коммуникациялар йўналиши 3-босқич талабаси Нозима СОАТАЛИЕВА** билан суҳбатлашдик.

## – Университетингизда тартиб қандай? Баҳолаш тизими-чи?

– Бизда тартиб қуйидагича: форма эркин, давомат қаттиқ назоратга олинган, кредит-модуль тизимига тўлақонли ўтилмаган. Баҳолаш тизимига тўхталадиган бўлсам, бизда асосан оғзаки нутққа кўпроқ эътибор берилади, чунки бу келажақдаги касбимизнинг асосий омили ҳисобланади. Ёзма шаклда кўп ҳам ишламаймиз. Асосан тақдимот қилиб, кўпроқ ўзимиз гапираемиз. Маърузалар биз учун қизиқ ўтилади. Бироқ амалий назарияларнинг баъзиларидан умуман қониқмаймиз. Баъзи ўқитувчиларимиз ҳақиқатда билими юқори профессор-ўқитувчи бўлса-да, ёш ҳисобини олиб қарайдиган бўлсак анчагина эски методда дарс ўтишади. Бу эса бизни зериктириб қўяди. Ҳозирда 6 тача фан ўтсак, атиги иккита фанга қизиқишимиз баланд. Бунинг асосий сабаби эса шу фаннинг ўқитувчилари кучли метод асосида қизиқарли қилиб тушунтиришида. Тизимга тўхтапсак, устоз танлаш имкони бор, деб айтилган эди, аммо бундай бўлмади. Ваҳоланки, биз яна сония санаб вақт ўтказишга мажбур бўляпмиз. У ҳам бўлса, диплом олиш учун.

## Одинахон ОМОНЖОНОВА, Ўзбекистон давлат консерваторияси Композиторлик ва чолғулаштириш кафедраси 4-босқич талабаси:

– Бизда давоматга ҳам, билимга ҳам қаттиқ эътибор берилади. Ҳар бир талаба ўзига маъқул бўлган устозни танлаб, яқка тартибда шуғулланади. Гуруҳ билан маърузаларимизда кўпи 10-12 бўлади. Бундан ташқари, бизда талабаларни қизиқтириш деган фан ҳамда “Устоз-шоғирд” анъанаси мавжуд. Бу бизни билим олишимизда анчагина қулайлик яратиб беради. Биз яқка тартибда шуғулланишга кўникиб қолганимиз туфайли менга гуруҳлар билан ўтилиши унчалик ёқмайди. Агарда дарсга кечиксак кираверишда бизни ушлаб қолишади. Бу эса бироз нотўғри. Фикримча, бу устозларга ҳурматсизлик бўлмаслиги ва вақтида келишимиз учун ташкил қилинган. Аммо ҳаммамиз ҳам иссиқ жон, ҳар доим ҳам вақтида кела олмаслигимиз мумкин. Кредит-модуль тизими эса қониқарли. Қисқа қилиб айтадиган бўлсам билимга ҳам, давоматга ҳам бирдек эътибор қаратишади.

Биз ҳали чет эл стандартларига тўлақонли ўтолмадик. Яъни ўтиш жараёнидамыз. Агарда биз бу натижага эришсак, “Билим муҳими ёки давоматми?” каби саволга нуқта қўйган бўлар эдик. Бу эса ёш авлоднинг янада саводли бўлиб, камол топишига асос бўлар, шу билан бирга кутубхоналаримизга ҳам талаб ортар эди. Бу эса қайсидир маънода маънавий жиҳатдан юксалишимиз, техникага бўлган қизиқишдан кўра китобга бўлган меҳрнинг ўсишига замин яратади.

Дилнур МАМАСАФОЕВА тайёрлади



# КЎКЎЙЎТАЛ: ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТ БАРҚАРОР... МИ?



Куни кеча ижтимоий тармоқларда кўкўйўтал билан ҳолат юзасидан турли хабарлар тарқалди. Мутахассислар томонидан Ўзбекистонда кўкўйўтал эпидемияси кузатилаётгани ҳақидаги миш-мишларни рад этиб, касаллик бўйича юртимизда эпидемиологик вазият барқарорлигини таъкидлашди.

Лекин шунга қарамай эҳтиёт чораларига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. Аҳоли ўртасида кўкўйўтал қандай касаллик эканлиги, унинг олдини олишда нималарга эътибор қаратиш муҳимлиги каби саволларга жавоб олиш мақсадида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бўлим бошлиғи Дилорам Турсунова билан суҳбатлашдик.

**– Бугунги кунда юртимизда кўкўйўтал эпидемияси билан боғлиқ ҳолат қандай?**

– Юртдошларимиздан ваҳимага берилмасликни сўраган ҳолда кўкўйўталнинг авж олишига ҳеч қандай сабаб йўқлигини айтмоқчиман. Юртимизда эпидемиологик вазият барқарор. Ўзбекистонда касалликка қарши эмланганларнинг етарлича катта қатлами мавжудлигини таъкидламоқчиман.

**– Кўкўйўтал қандай касаллик, юқиш йўллари қандай?**

– Кўкўйўтал – ҳаво-томчи йўллари орқали юқадиган юқумли касаллик ҳисобланади. Бунга Bordetella pertussis бактерияси сабаб бўлади. Касаллик УЮРИ белгиларини бошдан кечиради, лекин улар ҳам кучли йўтал, баъзида қусиш билан бирга келади.

Bordetella pertussis кўзғатувчи (кўкўйўтал) барча мамлакатларда эндемик ҳисобланади. 2014 йилда тахминан 24,1 миллион кўкўйўтал касаллигида 5 ёшгача бўлган болалар орасида кўкўйўталдан 160,700 ўлим ҳолатлари қайд этилган, даврий эпидемиялар ҳар 2-5 йилда бир марта содир бўлади. Кўкўйўтал юқумли беморлардан сезгир шахсларга ҳаво-томчилари орқали юқади. Симптомлар уч босқичда намоён бўлади.

Биринчиси, катарал давр. Катарал даврнинг дастлабки босқичида кўкўйўтал энг юқумли бўлиб, уй хўжаликларидан иммунитетга эга бўлмаганлар орасида иккиламчи инфекция даражаси 90 фоизгача етади. Даволанмаган беморлар одатдаги пароксизмал йўталнинг бошланишидан бошлаб уч ҳафта ёки ундан кўпроқ вақт давомида инфекция манба бўлиши мумкин, гарчи катарал давр тугайдан сўнг инфекцияни тарқатиши кескин камайди.

Иккинчиси, талвасали йўтал даври. Бу давр тез-тез ва спазматик йўтал билан тавсифланади ва бу даврда классик нафас киришида пайтида шовқинли йўталиш хуружи эшитилиши мумкин (лекин ҳар доим ҳам содир бўлмайди).

Учинчиси, реконвалесценция даври. Қайта тиклаш даври камроқ, тез-тез, камроқ ва кучли йўтал билан тавсифланади.

Симптомсиз ёки клиник жиҳатдан энгил инфекциялар, айниқса, илгари эмланган кекса одамлар орасида кенг тарқалган. Инкубация муддати

одатда 9-10 кун (6 дан 20 кунгача). Болалардаги классик клиник кўриниш – йўталдан кейинги қусиш билан характерли шовқинли йўтал хуружлари билан яқунланадиган. Бироқ, ёш чақалоқларда кўкўйўтал дастлаб апное (нафас олишни тўхтатиш) ёки цианоз эпизодлари (йўталдан олдин кўк ранг) сифатида намоён бўлиши мумкин.

**– Касалликка қарши вакцинациянинг аҳамияти юзасидан ҳам маълумот бериб ўтсангиз.**

– Тиббиётда кўкўйўталдан ҳимоя қилишнинг ягона ва самарали усули – вакцинация ҳисобланади. Касалликни фақат аҳоли ўртасида мажмуавий иммунитетини яратиш орқали енгиш мумкин, бу эса режали эмлашларни вақтида ўтказиш орқали эришилади. Кўкўйўталга қарши эмлашнинг мақсади чақалоқлар ва ёш болалар орасида оғир касаллик хавфини камайтириш ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда эмланмаган болаларнинг 6 фоизида бронхопневмония каби асоратлар пайдо бўлиши мумкин. Бу ёш чақалоқларда юқори даражада бўлади. Ривожланаётган мамлакатларда кўкўйўтал бўйича кузатув маълумотлари ишончли бўлмаса-да, ўлимнинг ўртача тахминий даражаси 12 ойликдан кичик чақалоқларда 4 фоиз ва 1-4 ёшли болаларда 1 фоизни ташкил қилади. Кўкўйўталдан ўлим 5 ёшгача бўлган болаларда 1 фоизгача бўлиши мумкин, бунда эмлаш ёшидан кичик чақалоқлар энг катта хавф остида.

**– Шу ўринда савол туғилади, айнан кўкўйўталга қарши неча тури мавжуд?**

– Кўкўйўталга қарши вакциналарнинг икки тури мавжуд: Ўлдирилган B.pertussis. Кўкўйўталга асосланган бутун хужайрали ва бир ёки бир нечта юқори даражада тозаланган кўкўйўтал антигенларига асосланган хужайрасиз вакциналардир.

**– Бу борада ЖССТ тавсиялари қандай?**

– ЖССТ барча чақалоқларни 1 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар учун битта кучайтирувчи доза билан бирга кўкўйўталга қарши вакцинациянинг уч дозаси билан эмлашни тавсия қилади. Баъзи мамлакатларда кўкўйўталга қарши эмлаш стратегиялари ўсимрлик ва вояга етиш даврида кучайтирувчи дозалар, оналик антитаначалари орқали янги туғилган чақалоқларни эмлашдан олдин ҳимоя қилиш учун ҳомиладор аёлларни эмлашни ўз ичига олади. Сўнгги пайтларда кўкўйўталга қарши эмлашнинг юқори даражаларига эришиш бўйича ўн йиллик тажрибага эга бўлган баъзи мамлакатларда диагностика ва кузатув амалиётидаги ўзгаришларга қарамай, кўкўйўтал касаллигининг қайта тикланиши кузатилди. Бу вакцина киритилгандан кейин ҳам кўп йиллар ўтиб кузатув ўтказиш муҳимлигини таъкидлайди.

Миллий ва глобал эмлаш қамровининг ўлчови бўлган дифтерия-қоқшол-кўкўйўтал вакцинасининг (АҚДС) уч дозасини олган болалар улуши 2019-2021 йиллар оралиғида 5 фоизга камайди ва ҳозирда 81 фоизни ташкил этади, деб ёзади ЖССТ. Шундай қилиб, фақат 2021 йилда 25 миллион бола мунтазам эмлашнинг бир қисми сифатида бир ёки бир нечта

АҚДС дозасини олмаган. Бу 2020 йилда эмланмаган болалар сонидан 2 миллионга, 2019 йилга нисбатан эса 6 миллионга кўп, бу эмлаш орқали олдини олиш мумкин бўлган жиддий касалликлар хавфи остидаги болалар сонининг кўпайишидан далolat беради.

Ҳозирги вақтда кўкўйўтал, бир неча ўн йилликлар давомида глобал миқёсда оммавий эмлаш дастурлари мавжудлигига қарамай, бутун дунёда касалланиш ва ўлимнинг муҳим сабаби бўлиб қолмоқда. Ёш болаларни эмлашнинг жорий этилиши туфайли кўкўйўтал билан касалланиш юз марта камайди, аммо ҳозирда бир қатор мамлакатларда, ҳатто узоқ вақт давомида юқори эмлаш билан қамраб олинган мамлакатларда ҳам кўкўйўтал инфекциясининг қайта тикланиши ҳақида кўпроқ айтилмоқда. Кўкўйўтал инфекциясининг тиббий-ижтимоий аҳамияти барча ёш гуруҳлари ўртасида касалланишнинг кўпайиши, касаллар орасида эмланганлар салмоғининг сезиларли даражада ошиши, оилаларда, мактабгача таълим ташкилотлари ва таълим муассасаларида катта эпидемияларнинг аниқланиши билан белгиланади. Тиббий муассасаларда бўлгани каби касалликнинг узоқ ва тез-тез кучайган курси, асоратлар ривожланиши ва ёш болаларда ўлимга олиб келиши мумкин бўлган натижалар кузатилиши мумкин.

**– Мутахассис сифатида кўкўйўталнинг вақти-вақти билан пайдо бўлишига нима сабаб деб ўйлайсиз?**

– Шуни ҳам таъкидлаш керакки, кўкўйўталнинг вақти-вақти билан пайдо бўлиши ота-оналарнинг масъулиятсизлиги туфайли юзага келади. Ўз фарзандини эмлатишга юзаки қараб, касалликка қарши вакцинациядан бош тортадиган ота-оналар учраб туради.

Шундай қилиб, вакцина билан олдини олиш мумкин бўлган инфекциялар билан касалланишнинг узоқ муддатли динамикасини таҳлил қилиш натижалари эмлашнинг қамровига боғлиқ бўлган эмлашнинг юқори эпидемиологик самардорлигини кўрсатди, бу айниқса полиомиелит билан касалланишни бартараф этишда, рўйхатга олишнинг йўқлигида акс этади, дифтерия, неонатал қоқшол, болалар ўртасида ўткир вирусли гепатит В ва кўкўйўтал, қизамиқ, қизилча, пневмония, бактериал менингит ва диарея касалликлари билан касалланишнинг камайиши кузатилади.

Вакцина билан олдини олиш мумкин бўлган инфекцияларнинг эпидемик ўсиши касалликнинг ташқаридан кириб келиш ҳолатлари, эмлашнинг тўлиқ курсини олмаган эмланмаган аҳоли (болалар) ва серонегатив аҳоли гуруҳларининг тўпланиши туфайли кузатилади.

Ҳурматли фуқаролар фарзандингизни юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш учун эмлаш календарига асосан ўз вақтида эмлатишни унутманг! Яшаш манзилингиздаги поликлиникага мурожаат қилиб, фарзандингизни кўкўйўталга қарши эмлатинг. Ўзингиз ва фарзандингиз саломатлигига бефарқ бўлманг!



# УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Устоз, муаллимсиз қолса бир замон,  
Нодонликдан қора бўлурди жаҳон.  
Абдурахмон ЖОМИЙ

Ҳар йили юртимизда 1 октябрь санаси катта тантана сифатида нишонланиб келинмоқда. Байрам арафасида ўз соҳасида етук марраларга эришган устоз ва мураббийларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, уларни меҳнатларини муносиб рағбатлантириш мақсадида турли тадбирлар ўтказилади.

Бу йил ҳам Тошкент шаҳар ҳокимлигида соҳа фидойиларини тақдирлаш мақсадида тадбир бўлиб ўтди. Йиғилишда Мактаб ва мактабгача таълим вазири Ҳилола Умарова, Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчиси Шавкат Умрзоқов ва бошқалар байрам эгаларини самимий табриқлашди. Бу йил Тошкент шаҳридан 116 нафар устоз ва мураббий тақдирланди.

Шавкат УМРЗОҚОВ,

Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчиси:

– Бугун мен учун унутилмас, ҳаяжонли кун. Халқимизда “Устоз отангдай улуг” деган нақл бор. Сиз мактабда устоз, уйингизда ота-она ролдасиз. Мен учун сизнинг ҳар бирингиз нафақат устоз, балки фарзандларимизга илм бераётган ҳам ота, ҳам онасиз. Сизни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан самимий қутлайман. Бугун давлатимиз томонидан ўқитувчи ва мураббийларга қаратилаётган эътибор, уларга яратилаётган шарт-шароитларни эътироф этишимиз лозим. Бу сизларга нафақат имконият балки катта масъулият ҳам юклайди. Юртимизда ҳар соҳада ривожланишни кузатяпмиз. Бу ривожланиш нафақат биз ҳокимият вакилларига, балки энг кўп сизларга боғлиқдир. Сабаби соҳаларнинг ривожланиши, ютуқларнинг бардавом бўлишининг пойдевори айнан сиз бераётган таълим ва тарбиядир. Ҳокимлик вазифасида турар эканман, менинг энг катта мақсадим ўқитувчи ва мураббийларга ўзимнинг барча имкониятимдан келиб чиқиб, шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. Ҳокимиятда иш бошлаган биринчи кунимдан биринчи борган жойим боғча ва мактаблар эди. Яна бир муҳим жиҳатни айтиб ўтмоқчиман, сиз илмни мустаҳкам берган жойда ҳалоллик, адолат, ривожланиш ва ишлаб чиқариш бўлади. Бугун биз қайси соҳада ютуққа эришмайлик барчаси сиз берган илмнинг натижасидир.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ УЙ-МУЗЕЙИДА КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Буюк адибимиз, ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий яшаб ижод қилган уй бугунги кунда уй-музейи бўлиб, ўз бағрида турли тадбирларни ўтказиб келаёган авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, китобсеварликни тарғиб қилишга хизмат қилмоқда.

Яқинда ушбу даргоҳда газеталарга бағишланган “Газета – ўқиш учун чоп этилади” номли китоб тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Муаллиф Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги масъул ходими Алишер Тоировдир.

Тадбир Шайхонтоҳур туман ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Китоб тақдимотида Абдулла Қодирий уй-музейи раҳбари Хондамир Қодирий, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Бобур Бобомурод, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Носир Тоиров, меҳнат фахрийси Раҳим Одилов, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Маҳмудхон Тоиров сўзга чиқиб, китоб мутолаасининг инсон ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида мактаб ўқувчилари ва ота-оналарга сўзлаб беришди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Бобур Бобомурод “Газета – ўқиш учун чоп этилади” китоби тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирди: «Мен Тоировлар оиласини яхши биламан. Барчалари ўқимишли, китоб, журнал ва газетани қадрига етадиган зиёли, олим одамлар. Бу каби оилада китоб ёзмайдиган ижодкорнинг бўлиши гумон. Албатта, Алишер газеталарга бағишланган китобни ёзиши керак эди. Ёзди ҳам. Ушбу китобни мутолаа қилиб, болалигимни эсладим. Раҳматли онажоним ердаги газетанинг бир парчасини ҳам авайлаб олиб кўярдилар. Ҳарфининг ҳам уволи бор, дердилар».

Бобур Бобомурод тадбирда иштирок этаётган ота-оналарга мурожаат қилиб, фарзандларга кўпроқ китоб тухфа қилишни анъанага айлантиришга ундади.

Китоб муаллифи Алишер Тоиров йиғилганларга китобни ёзишга ундаган сабаблар тўғрисида сўзлаб бериб, газеталарни авайлашга чорлади. Газеталар одамзод ҳаётида муҳим ўринга эгаллигини таъкидлади.

Тадбир якунида ташриф буюрган барча меҳмонларга китоб совға қилинди.

Ўз мухбиримиз

## ТАЖРИБА АЛМАШИШ – ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛ

Ҳозирги кунда давлатимиз раҳбари бошчилигида китобхонлик, кутубхоналар фаолияти, мутолаа маданиятини янада ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада қабул қилинган барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини амалиётга жорий этиш мақсадида республика миқёсида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг 26-27 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона, Хоразм вилояти ҳокимлиги ва Маҳмуд Замаҳшарий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида минтақавий семинар ташкил этилди.

Ушбу анжуманга Хоразм вилоятига қўшни бўлган минтақалардан, яъни Навоий, Бухоро вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасидаги барча ахборот-кутубхона марказлари раҳбарлари ҳамда давлат миқёсидаги йирик 14 та вилоят ва Тошкент шаҳар Ахборот-кутубхона марказлари раҳбарлари иштирок этиши билан янада муҳим аҳамият касб этди.

Семинарнинг биринчи кунини “Китобсевар миллат” шиори остида ташкил этиб келинаётган “Китоб карвони” орқали Хоразмга етиб келган 4,5 мингдан зиёд 1 миллиард саккиз миллион сўмлик “Туркий адабиёт дурдоналари” вилоятдаги 12 та туман ахборот-кутубхона маркази китобхонлари тақдимоти билан бошланиши ҳамда “Туркий адабиёт дурдоналари” номли 100 жилддан иборат асарлар мажмуасининг ижодкорлари билан учрашув ташкил этилганлиги Хоразмда ҳақиқий маънода китоб байрами, маънавият байрамига айланиб кетди.

Вилоятдаги туман Ахборот-кутубхона марказлари фаолияти билан танишиш жараёни барчамизда катта таассурот қолдирди.

Жумладан, Янгибозор, Гурлан, Хозарасп, Хива шаҳри ва туман ахборот-кутубхона марказларида ва ҳар бир маҳаллаларда янги кутубхоналар (яхши ҳаракат бошланибди) ташкил этилиб, китобхонларга яратилган шароитлар андоза оладиган даражада, десак ҳеч муболаға бўлмайд.

Кутубхоналарда яратилган замонавий техникалар, “Кутубхона-кафе” (Гурлан ТАКМда) иш услублари асосидаги ўқув заллари, ўлкашунослик музей (Шовот ТАКМда)ларининг ташкил этилиши ҳамда жонкуяр зиёкорларимиз саъй-ҳаракатлари билан “Очиқ бюджет” лойиҳаларида иштирок этиб, (Хозарасп ТАКМда) 300 миллион маблағ ютиб, фондларни янги нашрлар (80 миллион), IT паркени янги техникалар (120 миллион), мебель жиҳозлари билан таъминланган ва бино ичи жорий таъмирланган.



Айниқса, Урганч шаҳрида 2022 йил декабрь ойида тадбиркор Қувондиқ Абдуллаев томонидан очилган “Ёшлар кутубхонаси”, Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги “Кўзи ожизлар кутубхонаси”нинг янги қуриб фойдаланишга топширилган бинолари ўзининг маҳобатли, қулай ва шинам эканлиги билан биз ташриф буюрганларни ҳайратга солди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Хоразм воҳасида вилоят ахборот-кутубхона маркази раҳбари Раҳимбой Қурбоновнинг жонкуярлиги, ташаббускорлиги билан вилоят ҳокимлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳудудий бошқармаси раҳбари Дилбаржон Зарипова ҳамда туман ҳокимликларининг тўла қўллаб-қувватлаганлиги натижасида ўтказилган минтақавий семинар кўзланган мақсад ва маррани удалади.

Биз мутахассислар мана шундай китоб ва маънавият байрамлари, тажриба алмашиш жараёнлари ёшларимизга Хоразм ўлкасининг буюк аждодлари Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Жалолиддин Мангуберди, Огаҳий, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний ва Феруз каби буюк бобокалонларимиздек илмга, зиёга чексиз меҳр қўйишлари, ана шундай буюк бобокалонларнинг авлодлари эканлиги, уларга муносиб ворис бўлиши кераклигини чуқур ҳис этишларини англаш йўлидаги олиб бораётган тенгсиз ва хайрли иш фаолиятини республика миқёсида кенг татбиқ этиш зарурлигини эътироф этдик.

Ишонаманки, 2 кун давомида олган билимлар, кўникмалар, тажриба алмашиш жараёни янги ташкил этилган Ахборот-кутубхона марказлари раҳбарларининг келгусида ишни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил этиш, маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорликда ишлаш, муаммолар ижобий ҳал этиш, фойдаланувчиларга янги инновациялар асосида хизмат кўрсатишни ташкил этиш ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш орқали янада юксак марраларни забт этиш каби иш фаолиятида мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Ҳафиза КАРИМОВА,  
Тошкент шаҳар “Билим” ахборот-кутубхона  
маркази директори

	Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Истиклол, 51	Телефонлар: Қабулхона (71) 233 61 10 Реклама (71) 233 28 95	2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Мағбуот ва ахборот бошқармасида 02-001-рақами билан рўйхатга олинган	“NISO POLIGRAF” МЧЖ босмахонаси.	Нашр учун масъул З. НАЗАРОВ	Топшириш вақти 00:55 Топшириш вақти 05:00 Буюртма -	
	МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ	Бош муҳаррир Севдо НИЁЗОВА	Тахририятга келган қўл ёзма кўчмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Газетада босилган мақолалар учун муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқ қилиши мумкин. “Тошкент оқшомини” материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.	Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, “Машғал” маҳалласи, Марказий кўчаси, 1-уй	Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. Адади 500 нуска, қоғоз бичими А3	Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди	